



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqqan boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2026-yil 14-fevral
Shanba № 3 (4523)

Вилоят Ҳокими таширфи

Лойиҳалар ижроси ўрганилди



Сурхондарё вилоятининг бешта туманида Ислом тараққиёт банки ҳамда БМТ Тараққиёт дастури иштирокида амалга оширилган "Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш" лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида 60 та маҳаллани қамраб олган 237 та сублояҳа амалга оширилмоқда.

Вилоят Ҳокими Улуғбек Қосимов Мuzrabot тумани Дарбанд маҳалласида мазкур дастур доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари ижроси билан жойида танишди. Хусусан, 39-сон умумтаълим мактабини 120 ўринли янги ўқув

бини ва 50 ўринли ошхона қуриш орқали реконструкция қилиш, 13 километр электр тармоқларини янгилаш, 3 та трансформатор пункти барпо этиш, 4 километр ички йўللари таъмирлаш, энергиятежамкор тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 27,8 километр тармоқ тортиш ишлари бўйича масъулларнинг ахборотлари тингланди.

Белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 13 миллиард 230 миллион сўм маблағ ажратилган. Вилоят раҳбари маҳалла нуронийлари ва фаолла-

ри билан суҳбат чоғида лойиҳалар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш шароитини реал яхшилашга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Маҳалла нуронийлари эса Президентимиз томонидан аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган доимий эътибор, шунингдек, олис ҳудудларда ҳам йирик ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари амалга ошири-

латдорлик билдиришди.
Мuzrabot тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2026

AHOLI VA QISHLOQ XO'JALIGINI RO'YXATGA OLISH

Birga ro'yxatdan o'tamiz — Birga kelajakni quramiz!

2026-yil 15-yanvardan 28-fevralgacha

Рўйхатга олишнинг иккинчи босқичи давом этмоқда

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш тўғрисида" 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сон Фармонига асосан мамлакатимизда 15 январдан 28 февралгача икки босқичли муҳим демографик жараён ўтказилмоқда. Дастлабки босқич январь ойининг иккинчи ярмида онлайн рўйхатдан ўтиш ташкил этилди.

Жорий йилнинг 4-28 феврал кунлари рўйхатга олиш тadbирининг иккинчи босқичи амалга оширилади. Ушбу босқичда рўйхатга олувчилар — маҳалла вакиллари хонадон-хонадон юриб, маълумотларни планшет қурилмалари орқали электрон тизимга киритадилар.

Ҳурматли юртдошлар! Агар хонадонингизга келган регистраторни танима-

сангиз ёки унга нисбатан шубҳа туғилса, ундан хизмат бейджикини кўрсатишни талаб қилинг. Бейджикдаги QR-код орқали регистратор ҳақидаги маълумотларни текширишингиз мумкин — ушбу маълумотлар ягона базага киритилган. Шунингдек, 1851 қисқа рақами орқали фаолият юри-таётган кол-марказга кўнги-роқ қилиб, регистратор ҳақида қўшимча маълумот олиш имконияти мавжуд.

Айрим ҳолатларда биринчи босқичда онлайн рўйхатдан ўтиб, сертификат олган фуқаролар хонадонига ҳам регистраторлар ташриф буюриши мумкин. Бу, одатда, онлайн саволномада маълумотлар хатolik ёки камчиликлар билан киритилгани билан боғлиқ бўлади.

Зафар ҚОДИРОВ, туман статистика бўлими бошлиғи.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Мuzrabot туман Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси С.Нурмаҳматов олиб борди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда кун тартибидagi масалаларга алоқадор қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияда "Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари тўғрисида" туман Ҳокими А.Маматқулов, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида" 2025 йил 30 январдаги ПФ-17-сон фармони ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳокимлиги хузурида ташкил этилган "Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси маблағларини йўналиштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2026 йилда ҳудудларни янгилаш ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда танлаб олинган "огир" тахаллулар иктисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган "Ислохот дастури"ни тасдиқлаш тўғрисида" туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов, "Маҳалла уюшмасининг маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва

ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида" Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси туман бўлими бошлиғи А.Аҳмедов маъруза қилдилар.

Сессияда "Халқ депутатлари Мuzrabot тумани Кенгаши доимий комиссия раисларининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботлари тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Депутатлар халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, тadbиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар бўйича доимий комиссияси раиси Л.Мусаев, Коррупцияга қарши курашиш, давлат органларида очиқликни таъминлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича доимий комиссияси раиси Т.Тангиров, Ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Олломурадov, Аграр, қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Р.Қорақулловларнинг ҳисоботларини эшитишди.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг 2026 йил давомида сайловчилар олдида ўз фаолияти ва келгусидаги режалари юзасидан ахборот бериш режа-жадвали тасдиқланди.

Сессияда депутатлар кун тартибидa муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз муносабатлари, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Президент қарорлари асосида

Аниқ вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди



Туман марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" 2025 йил 3 январдаги ҳамда "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2026 йил 5 январдаги қарорлари ижроси юзасидан Мuzrabot тумани Ҳокими А.Маматқулов, туман прокурори И.Хўшамуродов ҳамда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Ж.Шоймардонov иштирокида криминоген вазиятни огир ҳудуд сифатида белгиланган Шаффоф маҳалласида хавфсиз муҳитни яратиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижадорлиги юзасидан муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.

бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, "маҳалла еттичилиги", нуронийлар, таълим муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш давомида маҳаллада ўрнатилган видеокузатув мосламалари, тунги ва кундузги рейд тadbирлари, ижтимоий хавфли тоифадаги оилалар билан олиб борилган манзилли ишлар, муқаддам судланган шахслар ҳамда профилактик ҳисобда турган фуқаролар билан амалга оширилган индивидуал профилактик чора-тадбирлар натижалари атрофлича таҳлил қилинди. Кўрилган чоралар

натижасида маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликни камайтириш борасида ижобий ўзгаришларга эришилгани қайд этилди.

Йиғилишда "маҳалла еттичилиги" раҳбарлари ва масъул идораларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш, профилактик ишларни янада тизимли ва узвий ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган аниқ вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди. Шунингдек, йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан маҳалла фаоллари, нуронийлар ўз муносабати ҳамда таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мuzrabot тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.



Muzrabot iftixori Jamshid Nazarov tanlov g'olibi

Buxoro davlat universitetida respublika miqyosida o'tkazilgan ko'rik-tanlovlar g'oliblarini taqdirlash marosimi bo'lib o'tdi.

Mazkur tadbirda "Eng faol milliy g'oya va ma'naviyat targ'ibotchisi", "Ma'naviyat-rifii ishlar bo'yicha eng yaxshi kafedra", "Eng yaxshi tyutor", "Eng faol xotin-qizlar maslahat Kengashi raisi", "Eng faol islohotlar targ'ibotchisi" kabi nufuzli tanlovlar g'olib va sovrindorlari respublika Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining "Diplom" hamda "Sertifikat"lari bilan taqdirlandi. Quvonarlisi, tumandoshimiz, Termiz davlat universiteti tyutori Jamshid Nazarov "Eng yaxshi tyutor" nominatsiyasi bo'yicha respublika g'olibi deb topildi.

Ushbu yuksak natija bilan, tumandosh hamkorimiz Jamshid Nazarovni tahriyat-timizning ko'psonli mush-tariylari nomidan samimiy tabriklab, kelgusidagi faoliyatida yana-da ulkan muvaffaqiyatlar tilaymiz!

"Muzrabot" gazetasi tahririyati.



Ҳарбий хизматчининг ота-онаси мукофотланди

Бундан қарийб ўн йиллар олдин Янги диёр маҳалласидан Абдумурод Қувондиқов Ватан ҳимоясига отланиб, ҳарбий хизматни Жиззахдаги "Н" ҳарбий қисмида ўтади. Азамат йигит юртимизда сарҳадларини мардона кўриқлаб, қуролдошларига намуна бўлди, эътибор қозонди. Муддатли ҳарбий хизмат якунида жанговар ва сиёсий тайёргарлик тестларидан муваффақиятли ўтган А.Қувондиқов кўмондонлик томонидан шартнома асосида ҳарбий хизматга қолдирилди. Ҳозирда у ҳарбий хизматни аъло даражада бажариб, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини муносиб адо этапти.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан фарзанди ҳарбий хизматчи бўлган кўплаб ота-оналар тақдирландилар. Шулар қаторида Абдумурод Қувондиқовнинг ота-оналари Раъно ва Абдушуқур Қувондиқовлар ҳар бор. Улар "Ватан ҳимоячисининг отасига" ва "Ватан ҳимоячисининг онасига" юбилей нишони билан мукофотландилар. Хонадонда нишонларни топшириш маросимида туман Ҳокимининг маслаҳатчиси Ф.Нормаматова, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Э.Собиров, ҳарбий хизматчи Й.Шаманов, маҳалла раиси Ж.Шоберов, хотин-қизлар фаоли З.Исоқова, ёшлар етакчиси С.Шодиев иштирок этдилар.

А.ЙҮЛДОШЕВ.

Фуқаролар қабули

Ҳаётини муаммолар билан боғлиқ муурожаатлар

Мuzrabot туман Ҳокими Абдулла Маматқуловнинг ҳафталик иш режасига асосан туман Халқ қабулхонаси биносида фуқаролар ва тadbиркорлар билан очик мулоқот шаклида навбатдаги қабул ташкил этилди. Ушбу қабулда туманимиз

аҳолиси, хусусан, фаол фуқаролар ҳамда турли соҳаларда фаолият юритаётган тadbиркорлар иштирок этди.

Қабул давомида 70 дан ортиқ муурожаатлар тингланди. Фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар

асосан ижтимоий, коммунал хизматлар, бандлик, ер ажратиш, тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқа ҳаётини муаммолар билан боғлиқ бўлди.

Фуқаролар томонидан берилган ҳар бир муурожаат батафсил ўрганилиб,

ижобий ҳал этилиши ва қонун доирасида ўрганилиши юзасидан мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Мuzrabot тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.



РАМАЗОН МЕХР-САХОВАТ ОЙИ

Маърифий сабоқлар

Юртимизга ойларнинг султони, меҳр-шафқат, саховат рамзи, Куръони карим нозил бўлган, фазилати жиҳатидан бошқа ойлardan афзал моҳи Рамазон ташриф буюрмоқда. Аллоҳ таоло барчамизга ушбу ойни муборак қилиб, Ўзи рози бўладиган кўплаб ибодатларни бажаришимизга муваффақ айласин!

Рўза араб тилида “савм” деб аталиб, лугатда “бир нарсадан ўзини тиймоқлик”ни билдиради. Истилоҳда эса “тонгдан шомга рўзани ният қилиб, уни очувчи барча нарсалардан ўзини тийиш”дир. Рўза тутган киши ўз ихтиёри ила оч қолиб, чанқаб, турли кўнгли хоҳлайдиган нарсалардан вақтинча маҳрум бўлиш билан ўз ихтиёридан ташқари оч қолиб, чанқаб, дунё лаззатларидан бебахра бўлиб юрган бева-бечора, камбағалларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиб қолади. Доимо уларга яхшилик қилиб туриш кераклигини тушуниб етади.

Демак, ким ўзида раҳм-шафқат сифатини шакллантириш ва мустаҳкамлашни хоҳласа, рўза тутсин. Мана шу зикр қилинган нарсалар рўзанинг бу дунёдаги баъзи бир фойдалари, холос. Ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Ким Рамазон ойида имон билан, савоб умидида рўза тутса, унинг ўтган

гуноҳлари кечирилади” (Муттаfaqун алайх). Рўзанинг энг зўр ҳикматларидан бири – у туйфайли рўзадор соғлигини тиклаб олади. Рўза нафақат соғлиқни сақлаш учун, балки, беморликларни даволаш учун ҳам ўта зарурлиги энди ошқоора айтилмоқда.

Ҳозирги кунда кенг тарқалган беморликларнинг кўпларини мусулмон бўлмаган юртлар табиблари очлик, яъни рўза тутдириш йўли билан даволамоқдалар. Рўза турли касалликлардан халос этиш билан бирга, киши баданида тўпланиб қолган турли кетаксиз моддалар, ёғлар, тузлар ва бошқа нарсаларни ҳам кетказди. Натижада инсоннинг жисми ҳам, руҳи ҳам энгиллашади, зехни ўткир, хотираси кучли, иродаси мустаҳкам бўла боради. Тиб олимлари, ҳақиқий илм кишилари рўзанинг мутлақо кони фойда эканлигини таъкидламоқдалар ва исбот қилмоқдалар.

Жумладан, “Ҳадис ва ҳаёт” китобида рўза инсоннинг соғлиғига фойда бўлишини қуйидаги жиҳатларда кўрсатилган:

1) Рўза инсондаги касалликларга қарши қобилият

(иммунитет)ни кучайтиради. Чунки, рўза тутган одамда ушбу мақсадга хизмат қилувчи ҳужайралар ўн марта кўпайиши илмий равишда собит бўлган.

2) Рўза тутган одамда сезимликка қарши монъелик пайдо бўлади. Рўзадор руҳий изтироблардан ҳам сақланади...

3) Рўза буйракда тошлар йиғилишидан сақлайди. Негаки, рўза тутган одамнинг қонида сода кўпайиб, каллий тузлари тўпланишини ман қилади. Шунингдек, рўзадор пешобидида сийдик йўлларидаги тузларнинг тўпланиб қолишини йўқотадиган моддалар кўпайиши ҳам илмий равишда исбот этилган.

4) Рўза инсон жисмини унинг тўқималарида тўпланиб қолган захарли моддалардан тозалашга ёрдам беради...

5) Рўза жинсий майлнинг кучини қирқади. Бу, айниқса, ёшлар учун жуда фойдали бўлиб, жисми турли асабий ва жисмоний изтироблардан сақлайди.

Шуни билмоқ керакки, аслида рўзани биз, мусулмонлар касалликларга фойдали бўлгани учун эмас, балки, Аллоҳ таоло буюрган учун, унинг розилиғи йўлида тутамиз! «Расул-

ичига олди.

“Kelajak” markazida to'garak rahbarlarining haftalik yuklamasi 16 soatni tashkil etadi. Bunda to'garak mashg'ulotlarini tashkil etish uchun har bir guruhga haftada 4 akademik soat qo'yiladi. To'garaklardagi o'quvchi soni 10 nafar (maktabga tayyorlov, xorijiy til, robototexnika to'garaklarida esa 8 nafar)dan kam bo'lmasligi lozim.

Markazning asosiy vazifasi – o'quvchi yoshlarni har tamonlamma yetuk shaxs bo'lib ulg'ayishi, ularning jamoat ishlarida faol bo'lishi, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishi, badiiy qobiliyatlarini rivojlantirishi, ular o'rtasida kitobxonlik madaniyatini oshirishdan iboratdir.

Xolida ORTIQOVA,
tuman "Kelajak" markazi
bosh mutaxassisi.

каттиқ-юмшоқни, ширин-аччиқни сезиш қобилияти йўқолади.

Шунингдек, наркотиклар билан илк мартаба танишиш одатда 15-17 ёшлилар орасида бошланар экан. Усмирлик даврида инсон гормонал жиҳатдан жуда тез ривожланади. Бу даврдаги ёшларнинг психо-физиологик ҳолати динамика жиҳатдан ниҳоятда жўшқин ўзгаришларга бой бўлади ва ўзига хос тарзда ифодаланади.

Кузатишларга кўра, аксарият ҳолларда наркотик моддаларни истеъмол қилишга кишиларни, айниқса, ёш болалар ва ўсмирларни шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган турли муаммолар, қийинчиликларни енга олмаслик, шахсиятига паст баҳо бериш, ўзи мансуб бўлган гуруҳнинг таъсирига берилиш ҳоллари ундар экан. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар фарзандларининг ички дунёсидан боҳабар бўлиб боришлари айна мудида. Аммо вақт кеч бўлиб, фарзанднинг наркотик моддалар истеъмол қилиши бошланган бўлса, ўзининг ички дунёсидан қийинчиликларни қўймай, зарур чораларни кўриш, мутахассис-наркологга мурожаат этишишишигиз лозим.

С.ШАРИПОВ,
Термиз тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонлар ичида яхшилик қилишда энг саҳийси эдилар. У зотнинг Рамазон ойида янада саҳийликлари ортиб кетарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларига қадар Рамазон ойининг ҳар кечасида у зотга Жаброил алайҳиссалом келиб учрашар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ул зотдан Куръонни ўтказиб олар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Жаброил алайҳиссалом келган пайтда саҳийликларини майин эсган шамолдек бўлиб кетар эди” (Имом Бухорий ривояти).

Алҳамдулиллаҳ, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, ибодатларимизни бекамукўст Аллоҳ буюрганидай адо этишга муваффақ бўлаётимиз. Олдинги йиллардагидек, бу йилги Рамазон ойида ҳам деярли барча масжидларимизда Куръони карим хатмларини ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, таровеҳ намозлари, бошқа ибодатлар адо этилади, юртимиз раванқи, эл-юрт тинчлиги, риққорўзимиз мўл бўлишини сўраб, Аллоҳ таолога дуо ва илтижолар қилинади.

Кейинги йилларда Рамазон ойи арафасида ушбу муборак ойни муносиб ўтка-

зиш тўғрисида алоҳида қарорлар эълон қилиниши эзгу ва гўзал анъанага айланди. Унда халқимиз томонидан асрлар давомида эзгулик ва маънавий поклик, саховат ва меҳр-шафқат, қаноат ҳамда шукроналик рамзи сифатида нишонланадиган келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамиятимизда қатор қарор топган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, улуғлаш, ёш авлодни миллий анъана ва урф-одатларимизни эъзозлаш, кадрлар ҳамда ўз Ватанига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга аҳамият берилмоқда.

Барчаларингизни ушбу орзиқиб, интизор кутилган муборак айёмга эсон-омон етишганимиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Яхшиликлар, савоблар кўпайтирилиб бериладиган ушбу ойда барча ибодатларни, солиҳ амалларни Пайгамбаримиз алайҳиссалом суннатларига мувофиқ адо этишимизга муяссар айлашини сўраб, Аллоҳ таолога илтижолар қиламиз.

Ақбар домла ШУКУРОВ,
Музработ тумани Дўстмухаммад бобо жоме масжиди имом ноиб.

Психолог таққини

ПЕДАГОГНИНГ РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

мактабда ўқувчиларга берилаётган таълим сифатининг гарови ҳисобланади

Бугунги кунда педагогик фаолият ўқори масъулият, доимий руҳий зўриқиш ва катта меҳнатни талаб қилади. Дарс жараёни, ҳужжатбозлик, ўқувчилар ва ота-оналар билан мулоқот, янгиликлар бораётган таълим талаблари педагогларда стресс ҳолатини юзага келтириши мумкин. Ўз вақтида бартавраф этилмаган стресс эса иш самардорлигининг пасайишига, чарқоқ ва касбий ёниш (профессионал выгорание)га олиб келади.

Мақтаб психологининг муҳим вазифаларидан бири – педагогларнинг руҳий саномадлигини сақлаш ва стресс ҳолатларининг олдини олишдан иборат. Шу мақсадда турли психологик тренинглар, релаксация машғулоти, арт-терапия, нафас олиш машқули ва суҳбатлар ташкил этилади. Бу каби машғулотлар педагогларга ўз ҳис-туйғуларини англаш, бошқариш ва ички хотиржамликни тиклашга ёрдам беради.

Шунингдек, жамоада ижобий психологик муҳитни шакллантириш ҳам стрессни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро қўллаб-қувватлаш, очик мулоқот, фикр алмашиш имкониятларининг мавжудлиги педагогларда ишга бўлган ишонч ва

қизиқишни оширади. Педагогларни стресс ҳолатидан чиқаришда ўз ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш ҳам муҳим. Вақтни тўғри режалаштириш, дам олиш ва иш ўртасида мувозанатни сақлаш, ижобий фикрлаш каби оддий, аммо самарали усуллар орқали стресс даражасини камайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, педагогнинг руҳий барқарорлиги – ўқувчиларга берилаётган таълим сифатининг гаровидир. Мақтаб психологи томонидан олиб берилаётган тизимли ишлар педагогларнинг соғлом, фол ва ижодкор бўлиб ишлашларига хизмат қилади.

Замира ПАНЖИЕВА,
33-мактаб психологи.

Шифокор огоҳлантиради

Ўткир респиратор касалликлар

Вируслар кўзгатадиган, келиб чиқиши бир-бирига ўхшаш ўткир инфекция касалликлар шундай номланади. Ўткир респиратор касалликларнинг кўзгатувчиларига аденовируслар – парагриппи вируслар, риновируслар ва бошқалар киради. Касаллик уй анжомлари (идиш-товоқ, сочик, ўйинчоқлар ва ҳоказо)дан ҳам юқиши мумкин. Ўткир респиратор касалликларни шартли равишда мавсумий деб аташ мумкин. Чунки, бу касалликлар кеч куз ва қишда кўпроқ кузатилади.

Аденовируслар касалликларини Назаров Мурод Qiyomovichga 2023-йil 5-avgustida berilgan «B» toifali AG № 1289342 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

га аденовируслар сабаб бўлиб, улар антибиотиклар таъсирига чидамай, паст температурада ҳам узок сақланади. Ультрабинафша нурлар формалин ва фенолнинг 5 фоизли таъсирида нобуд бўлади. Организмга кирган аденовируслар 3-14 кун давомида касаллик белгиларини пайдо қилади. Касаллик гриппга ўхшаб бироқдан бошланиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда азам берадиган қуруқ йўтал, товушнинг бўғилиб қолиши, ҳаво етишмаслиги кузатилади.

Парагрипп касалликларини парагриппи вируслари кўзгата-

Sun'iy intellekt

Zamonaviy dunyoning zakovatli dvigateli

Bugungi kunda insoniyat taraqqiyoti yangi bosqichga ko'tarilmoqda. Raqamli texnologiyalar hayotimizning barcha jabhalariga chuqur kirib kelib, kundalik faoliyatimizni yengillashtirmoqda. Ana shunday ilg'or texnologiyalardan biri – sun'iy intellekt bo'lib, u zamonaviy jamiyat taraqqiyotining muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Sun'iy intellekt texnologiyalari nafaqat rivojlangan davlatlarda, balki, O'zbekistonda ham jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Ayniqsa, ta'lim, qishloq xo'jaligi, tibbiyot, sanoat va xizmat ko'rsatish sohaslarida sun'iy intellektdan foydalanish samaradorlikni oshirmoqda.

Sun'iy intellekt tushunchasi va mohiyati

Sun'iy intellekt – bu kompyuter tizimlarining inson aqliga xos bo'lgan fikrlash, o'rganish, tahlil qilish va qaror qabul qilish qobiliyatlarini bajarishidir. Ya'ni sun'iy intellekt yordamida mashinalar inson kabi ma'lumotni qabul qiladi, uni qayta ishlaydi va muayyan xulosa chiqaradi.

Aniqroq aytganda: telefonimizdagi ovozi yordamchilar;

internetda qidiruv tizimlari; avtomatik tarjima dasturlari; ijtimoiy tarmoqlardagi tavsiya etiladigan videolar. Ular sun'iy intellekt asosida ishlaydi. Bu texnologiyalar kundalik hayotimizda sezilmas darajada, ammo juda katta qulayliklar yaratmoqda.

Sun'iy intellektning asosiy turlari

Sun'iy intellekt bir necha asosiy yo'nalishlarga bo'linadi:

- Mashinali o'rganish. Bu yo'nalishda kompyuterlar tayyor qoidalarsiz, ma'lumotlar asosida o'rganadi. Qanchalik ko'p ma'lumot bo'lsa, tizim shunchalik aniq ishlaydi.
- Neyron tarmoqlar. Ular inson miyasining ishlash tizimiga o'xshash tarzda yaratilgan bo'lib, murakkab masalalarni hal qilishda qo'llaniladi.
- Tabiiy tilni qayta ishlash. Kompyuterning inson nutqi va matnini tushunishi. Masalan, tarjimonlar, chat-botlar, ovozi buyruqlar.
- Kompyuter ko'rishi. Tasvir va videolarini tahlil qilish. Masalan, yuzni aniqlash, raqamlarni o'qish, tibbiy tasvirlarni tahlil etish.

Ta'lim tizimida sun'iy intellektning o'rni

Bugungi kunda ta'lim sohasida sun'iy intellektdan foydalanish tobora kengayib bormoqda. Onlayn ta'lim platformalari, aqlli test tizimlari va individual o'qitish dasturlari bunga yaqqol misoldir.

Sun'iy intellekt yordamida: har bir o'quvchining bilim darajasi tahlil qilinadi;

individual ta'lim yo'nalishi belgilanadi; o'qituvchining ish yuklamasi yengillashtiriladi.

Informatika fanida sun'iy intellekt mavzusini o'rganish o'quvchilarning algoritmik va mantiqiy fikrlashini rivojlantiradi. Bu esa kelajakda IT sohasida yetuk mutaxassis bo'lib yetishishiga zamin yaratadi.

Qishloq xo'jaligida sun'iy intellekt imkoniyatlari

Muzrabot tumani uchun qishloq xo'jaligi muhim soha hisoblanadi. Bugungi kunda sun'iy intellekt texnologiyalari: yer holatini tahlil qilish; hosildorlikni oldindan bashorat qilish; kasallik va zararkunandalarni erta aniqlash;

suv resurslaridan oqilona foydalanish imkonini bermoqda.

Natijada fermer va dehqonlarning mehnati yengillashtirilib, yuqori va sifatli hosil yetishtirishga erishilmoqda.

Tibbiyot va sanoatda sun'iy intellekt

Tibbiyot sohasida sun'iy intellekt:

kasalliklarni erta bosqichda aniqlash; tahlillarni tezkor o'rganish; shifokorlarga aniq tashxis qo'yishda yordam berish uchun qo'llanilmoqda.

Sanoatda esa ishlab chiqarishni avtomatlashtirish, nosozliklarni oldindan aniqlash va energiya tejamliligini oshirishda muhim rol o'ynaydi.

Sun'iy intellekt va yoshlar kelajagi

Bugungi yoshlar sun'iy intellektni chuqur o'rganishi zarur. Chunki, kelajak kasblarining aksariyati aynan IT va sun'iy intellekt bilan chambarchas bog'liq bo'ladi. Dasturchi, ma'lumotlar tahlilchisi, sun'iy intellekt mutaxassisi kabi kasblarga ehtiyoj tobora ortib bormoqda.

Davlatimiz tomonidan raqamli texnologiyalarni rivojlantirish, yoshlarni IT sohasiga jalb qilish bo'yicha qator muhim qarorlar qabul qilinmoqda. Bu esa yoshlarimiz uchun keng imkoniyatlar yaratmoqda.

Xulosa qilib aytganda, sun'iy intellekt – bugunning ham, kelajakning ham ajralmas qismidir. Uni chuqur o'rganish, to'g'ri va oqilona foydalanish jamiyatimiz taraqqiyotini yangi bosqichga olib chiqadi. Ayniqsa, yosh avlodni zamonaviy texnologiyalar ruhida tarbiyalash, informatika faniga qiziqishini oshirish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

Sun'iy intellektni egallagan yoshlar kelajakka ishonch bilan qadam qo'yadilar.

Sherboj BOBONAZAROV,
17-maktabning oliy toifali informatika va axborot texnologiyalari o'qituvchisi.

lash shilimshik kelishi, tumov, iytal bilan kuizatiladi.

Ўткир респиратор касалликлар билан оғриган беморни уйда даволаганда, алоҳида хо-нага ётқизилади. Беморни парвариш қилаётган оила аъзолари оғиз, бурнига доқа никоҳ тақиб юришлари лозим. Касаллик ётган хонани тез-тез шамоллатиб, кўрпа-ёстиқ жилди – чойшаблар мунтазам алмаштирилиб турилиши зарур. Бемор учун алоҳида идиш-товоқ тутиш шарт. У ётган хона ва мебелларни кунига икки маҳал нам латта билан артиб турилади.

Қ.МАМАТКАРИМОВ,
туман санитария-эпидемиологик ошйишталик ва жамоат саломатлиги бўлими санитария вақчи.

Qo'shimcha ta'lim

«Kelajak» markazi o'z faoliyatini boshladi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ-277-son qarori asosida Maktabgacha va maktab ta'limi tizimidagi "Barkamol avlod" bolalar maktabi tugatilib, "Kelajak" markazi tashkil etildi. Bu markaz 6 yoshdan 18 yoshgacha bo'lgan bolalarga qo'shimcha ta'lim xizmatlarini ko'rsatadi.

Tumanimizda ham "Kelajak" markazi o'z ish faoliyatini joriy yilning yanvar oyidan e'tiboran to'garaklarga qo'shimcha ta'lim xizmatlarini ko'rsatadi.

Giёхвандлик

Қорадори — захри қотил



Аср вабоси – гиёвандликка чалинган кимсалар оиласининг тинчи бузилаётгани, фарзандларининг каровсиз қолаётгани, ўзлари эса саломатлигини йўқотиб, бевақт ўлим топаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Одатда, наркотик моддаларнинг салбий таъсири турли аъзоларнинг шикастланиши, ҳаёт учун муҳим функционал тизимларнинг издан чиқиши, хасталикнинг психик ва физиологик аломатлари ривожидида кўринади. Наркотик модда истеъмол қилаётган шахс аста-секин психик жараёнлар фаоллигини оширувчи воситаларсиз ҳиссий идрок этиш лаёқатини йўқотади. Ачинарлиси, ҳаёт лаззатини гиёхванд моддаларсиз тасаввур эта олмай қолади. Бу эса гиёхвандликка чалинган шахсларни жиноят кўчасига бошлайди.

hamda bolalarning har tomonlamma kamol topishlari va bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishlari uchun keng imkoniyatlar yaratib beradi.

Markazga yuqori malakali mutaxassislar jalb etildi. Mazkur ta'lim muassasi ko'p tarmoqli bo'lib, faoliyat yuritadigan o'ziga xos xususiyatlarga ega. Unda o'quvchilarning qiziqishlari va ehtiyojlariga ko'ra, ijodiy imkoniyatlarini yana-da rivojlantirishga qaratilgan maktabga tayyorlov, ilm-fan, xorijiy til, madaniyat va san'at hamda boshqa sohalar bo'yicha to'garaklarni o'z



14-fevral – Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

Samimiy tuyg'ular kuychisi

Zahiriddin Muhammad Bobur – o'zbek mumtoz adabiyotining yirik namoyandalaridan biri bo'lib, u nafaqat buyuk sarkarda va davlat arbobi, balki, nozik didli shoir sifatida ham adabiyot tarixida muhim o'rinni egallaydi. Bobur she'riyati o'zining samimiyliги, hayotiyliги va chuqur lirizmi bilan ajralib turadi.



Bobur she'riyatining eng muhim xususiyatlaridan biri – samimiylik va ichki kechinmalarning ochiq ifodalanishidir. Shoir o'z g'azal va ruboiylarida shaxsiy his-tuyg'ularini, sog'inch, iztirob, muhabbat va Vatan dardini yashirmay tasvirlaydi. Uning she'rlarida sun'iylikdan yiroq, qalbdan chiqqan ohang sezilib turadi. Ayniqsa, Vatandan uzoqlik, musofirlik iztirobi Bobur lirikasining yetakchi mavzularidan biridir.

Bobur ijodining yana bir

o'ziga xos jihati – hayotiy realizmdir. U tasvirlayotgan voqealiklar real hayot bilan chambarchas bog'liq bo'lib, shoir o'z taqdirini, kurash va sinovlarga boy hayot yo'lini she'rlarida aks ettiradi. Shu bois, Bobur she'riyati o'quvchiga yaqin va tushunarli bo'lib tuyuladi. Shoir she'rlarida ishq mavzusi ham muhim o'rinni tutadi. Bobur muhabbatni

faqat an'anaviy oshiq-ma'shuqa munosabatlari doirasida emas, balki, ma'naviy poklik, sadoqat va insoniy kamolot simoli sifatida talqin qiladi. Uning ishqiy she'rlari nafis tuyg'ular va chuqur ma'noga boyliги bilan ajralib turadi.

Bobur she'riyatining yana bir muhim jihati – til va uslub soddaligidir. Shoir xalq tiliga yaqin, ravon va ta'sirchan ifodalarni qo'llaydi. Bu esa uning asarlarini keng kitobxonlar ommasi uchun tushunarli va yoqimli qiladi. Bobur mumtoz she'riyat an'anasiga amal qilgan holda, o'ziga xos badiiy uslub yaratishga erishgan.

Bugungi kunda Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiga bo'lgan e'tibor tobora ortib bormoqda. Har yili 14-fevral – Bobur tavalludi munosabati bilan adibning boy adabiy

merosi keng targ'ib qilinadi, uning she'rlari yana va yana o'qiladi. Ushbu yilda ham uning 543 yilligi keng jamoatchilik tomonidan ochiq yuzlik bilan keng nishonlanmoqda. Bu sana yosh avlodni Bobur ijodi orqali vatanparvarlik, sabr-toqat va ma'naviy yetuklik ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bobur she'riyati nafaqat tarixiy ahamiyatga ega, balki, hozirgi davr o'quvchisi uchun ham o'z dolzarbligini yo'qotmagan bebaho ma'naviy boylikdir.

Xulosa qilib aytganda, Bobur she'riyati samimiy tuyg'ular, hayotiy realizm, musofirlik dardi va nafis ishqiy kechinmalar uyg'unliги bilan ajralib turadi. Aynan shu jihatlarda Bobur ijodini o'zbek adabiyoti tarixida betakror va muhim o'rinni egallashiga sabab bo'lgan.

Mirziyod CHORSHANBIYEV,
Muzrabot tumani ixtisoslashtirilgan maktabi ona tili va adabiyot o'qituvchisi.



O'zbek tilini o'qitish

Navbatdagi o'quv kursi mashg'ulotlari

Joriy yilning yanvar oyida Davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi Surxondaryo viloyati hududiy bo'linmasining navbatdagi an'anaviy o'quv kursi mashg'ulotlari o'tkazildi. Unda viloyatimiz tumanlaridan tashrif buyurgan turli tashkilot va muassasa xodimlari lotin alifbosiga asoslangan o'zbek tilida o'z savodxonliklarini oshirdilar.

Termiz davlat universitetining O'zbek filologiyasi fakultetida bo'lib o'tgan o'quv kursi davomida tinglovchilar pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori Shokir Sattorov rahbarligida katta o'qituvchi Nigora Xudoyorova hamda

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori Umid Xolnazarov singari malakali ustozlardan saboq oldilar. Shuningdek, Termiz shahridagi diqqatga sazovor joylarga, jumladan, Tarix va madaniyat muzeyiga sayohat qildilar.

O'quv yakunida tinglovchilar Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi tomonidan tayyorlangan test imtihonidan o'tdilar.

Ma'lumot uchun: ushbu o'quv kursi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Nigora Xudoyorova hamda

sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019-yil 21-oktabrdagi PF-5850-son va "Mamlakati-mizda o'zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020-yil 20-dekabrda PF-6068-son Farmonlari, shuningdek, Vazirlar Mahkamasining "Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020-yil 3-martdagi 117-son qarori asosida tashkil etilgan.

Sirojiddin QULBOBOYEV.

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига

Маънавиятимиз султони

Алишер Навоий – ўзбек халқининг буюк мутафаккири, буюк шоири ва давлат арбоби, бутун туркий дунё маънавиятининг бекиёс сиймосидир. Унинг бой адабий мероси асрлар оша халқимизга маънавий озук бўлиб келмоқда.

Навоий ўз асарлари орқали инсонпарварлик, адолат, меҳр-оқибат, илм ва маърифат ғояларини улғуллади. У туркий тилининг бой ва гўзал тил эканини амалда исботлайди. Ўзбек

хоначи Садоқат Суюнова бошчилигидаги 53-умумтаълим мактаби толиби илмлари иштирокида "Навоийнинг ёди ила яшаймиз мудар" мавзуда адабий кеча ўтказилди. Уни марказнинг абонементи ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари Озода Аминова олиб борди.

Адабий кечада Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил сўз юритилди. Шунингдек, давлат арбоби сифатида мам-



Зўр шоду хуррамлик билан

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий халқимизнинг чексиз фахри ва ифтихори ҳисобланади. Шу борадан, ҳар йили бу улғу зотнинг таваллуд санаси юртимизда зўр шоду хуррамлик билан нишонланади, шеърхонлик ва газалхонлик мушоиралари авж палласига чиқади.

Бу йилги ана шундай адабий тадбирлардан бири туманимиздаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилди. Тадбир жараёнида билим масканининг 10-синф ўқувчилари "Навоий" ва "Фоний" деб номланган жамоалар теварагига бирлашиб, шеърят султонининг газалларидан ифодали ўқиш, баҳару байтлар баҳси ва сахна кўринишларини намойиш қилишди. Ижодидан савол-жавоблар, асарларининг номларини ёддан айтиш каби

шартлар бўйича беллашдилар. Ҳакамлар томонидан уларнинг билимдонликлари муносиб баҳолаб борилди.

Мактабнинг мусиқа ўқитувчиси, ширали овоз соҳибни Нуриддин Хурсанов томонидан Алишер Навоий газаллари билан ижро этилган кўшиқлар адабий кечага файз киритди. Ёш навоийшунослар баҳсида фаоллик кўрсатган ўқувчилардан Нисо Сафарова, Рухшона Холматова, Гулчехра Холмаматова, Фариза Жумаева, Дилшоҳ Равшанова, Сардор Жалиловлар ўз билимдонликлари билан тадбир иштирокчиларининг эътирофига сазовор бўлишди.

Адабий кеча якунида аълочи ва фаол ўқувчилар мактаб маъмуриятининг "Фахрий ёрлик" ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Умедулла МАМАТҚУЛОВ,
мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.



адабий тилининг ривожига мустамак пойдевор яратди. Айниқса, "Хамса", "Лисон-ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб" каби асарларни жаҳон адабиёти дурдоналари қаторида алоҳида ўрин эгаллади.

Алишер Навоийни нafaқат шоир, балки халқ гами билан яшаган буюк инсон эди. У етим-есирлар камбағаллар ҳолидан ҳабар олиб, мадраса, масжид, кўприк ва ши-фохоналар қурдирган. Бу эса унинг инсонпарварлик фазилатини яққол намоеън этди.

Бугунги кунда Алишер Навоий меросини ўрганиш, уни ёш авлод қалбига синдириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бобомиз асарларида илгари сурилган ғоялар – ҳалоллик, Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси ҳозир ҳам долзарбдир.

Шеърят мулки султони таваллудининг 585 йиллигига бағишлаб туман ахборот-кутубхона марказида кутуб-

лакат равнақи ва халқининг фаровонлиги йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида мухасар фикрлар билдирилди. Айниқса, ўқувчилардан Хусния Жабборова, Дилдора Ураловалар шоирнинг газал ва рубоийларидан ифодали ўқидилар. Шунингдек, Ситора Абдуғафорова, Хабиба Бобоқулова, Сарвиноз Нарзуллаева, Севара Турдиқулова, Дилноза Эшпўлатова, Нозима Шерназарова, Дилнура Менглимамова ва Фозила Жаббороваларнинг чиқишлари ҳам кўпчилиқка манзур бўлди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий номи абадийдир. Унинг бой маънавий мероси халқимиз қалбида мангу яшайди.

Насиба НАЗАРОВА,
туман ахборот-кутубхона маркази абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мухаттасиси.

Xayitmuradova Umida Akkuratovnaga 2018-yil 11-sentabrda berilgan «B» toifali AF № 0086554 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Saitkulov Olimjon Eshboyevichga tegishli 1987-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 C 539 TA bo'lgan «ZIL» rusumli avtomobilga 2023-yil 5-iyunda berilgan AAG № 1848061 raqamli avtomototransport vositasi ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnoma yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Qadim o'tgan zamonda emas, yaqin kunlarda bo'lgan voqeani sizga so'zlab bermoqchiman. Bu ajoyib hodisa, ikkinchi chorak avvalida boshlanib, uchinchi chorak o'talarida yakun topdi. Mening sinfdoshlarim haqida gap ketayotganini bilgan bo'lsangiz kerak. Aytgancha, mening isimim Zo'ir, 7-sinf o'quvchisi bo'laman. Xalqimiz, tarbiyasiz bir bola edim, ammo buni tan olishim oqin bo'ldi. Garchi, haqiqat bo'lsa ham ustozlarimning gapiga kirmas, oilamni yomon ko'rardim, maktabga esa faqatgina o'yin-kulguga uchun borardim. Nasihatlar, tanbehlarini umuman nazarga ilmas edim. O'qishda birinchilikni emas, urushishda birinchilikni xohlardim. Har bir sinfda bo'ladiganidek, tengqurlarim orasida birinchi shef o'zim edim. Bularni menga, kelajagimga zarracha ham ahamiyati yo'qligini bildim.

Shunday kunlarning birida sinfimizga yangi bola keldi.

Bolalar ijodidan

Islomjon hamma uni shunday deb erkalab chaqirishardi. U juda aqlli, farosatli edi. Boshlanishiga uni erkatoiy sifatida nazarimga ilmasdim, ammo keyin bu bolaning ishlari g'ashimini keltira boshladi. Chunki, mening yaqin do'stlarim uni yoqtirib qolib men bilan boshqa yurmasligini, endi katta bo'lib o'qishi jiddiy o'rinda turishini aytib, u bilan birga dars qilib, turli to'garaklarga bora boshladi. Shu voqeadan keyin men u bolani «maxmadona» deb kalaka qildim, chunki, bu menga rosa alam qildi. Yetti yillik do'stlarim yangi kelgan bola bilan ketib, meni nazariga ilmay qolishdi. Qanday yomon ish-a. Yo'q-yo'q, men u bolani osonlikcha tinch qo'yamayman, derdim o'zingma-o'zim.

Lekin Islomjon juda aqlli ekan, gaplarimni jiddiy tushunmasdi.

Bilimning yuqishi

Har safar uni ustidan kulganimda, miyig'ida jilmayib, menga bir ko'z tashlab chiqib ketardi. Men uni sharmanda qilaman, deb har doim o'zim kulguga qolardim. Keyinchalik sezdimgi, buning umumun foydasi yo'q, haqiqiy o'g'il bola bunaqa ishlar qilishi uyat ekan. Buni menga Islomjon aytidi. E, ha, sizga aytmabman-ku. Islomjon sinf rahbarimiz yoniga kirib men bilan bir partada o'tirishni xohlashini aytibdi va ustozimizga va'da beribdi. «Ustoz, men Zo'irni bir oyda aqlli bolaga aylantira olaman» degan ekan. Ustozimiz ham o'sha kundan keyin meni Islomjon bilan bir partaga o'tirg'izib qo'ydi. Qarasam, Islomjon unchalik ham yomon bola emas ekan, har bir ishini, gapini o'yab qiladigan farosatli bolalardan biri edi.

Bir kuni u meni uyiga, dars qilishga taklif qildi. Men ham gapni cho'zmasdan rozi bo'ldim. Bilasizmi, uning uyi kichkina qurilgan, ammo juda fazlii, chiroyli edi. Uyining ichiga taklif qildi. O'z xonasi bor ekan. O'sha yerga kirdik. Xoh ishonish xoh ishonmang, dilimga birdan ilqlik yugurdi. Kitoblarning hidi ufurib turadigan xona xuddi jannatning kichik bir parchasiga o'xshar edi. Taxminan besh soatlar uning uyida qolib ketibman. U o'qigan kitoblarini birma-bir aytib beraverganidan qiziqib kech tushganini ham sezmay qolibman. O'yijonim telefon qilmaganiya yarim tungacha shu yerda qolib ketgan bo'lardim. Bilmadim, nega hech bu xonadan chiqib ketgim kelmadi. Buni sezgan Islomjon javondagi men xohlagan 10 ta kitobni sovg'a qildi. Juda

hursand bo'lib kettim.

Uyga kelib kitoblarni oqiy boshladim. Ajoyib kitoblarni o'qigan sayin o'qigim kelaverardi. O'sha kundan buyon Islomjonning uyiga tez-tez boradigan bo'lib qoldim. Umuman o'yinlar o'ynamay qo'ydim. Negadir o'yinlar zerikarli tuyula boshladi. Qiziq, shu kundan boshlab hayotim tubdan o'zgardi. Hozir ancha yaxshi bolaman. Ustozlarimning mendan shikoyatleri yo'q, juda juda xursandlar. Yaxshiyam Islomjon sinfimizga kelgan ekan. Hammaning og'zi qulog'ida. Maktabda eng faol, eng yaxshi sinfga aylandik. Direktorimiz ham bizni ko'rganda hurmat bilan qaraydigan bo'ldi.

Endi bir maqolni miyamga quyib oldim: qozonga yaqinlashsang, qorasi yuqadi, Islomga yaqinlashsang, bilim yuqadi.

Kamola NORMENGLIYEVA,
33-maktabning 7-sinf o'quvchisi.

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni,
Amir Temur ko'chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

e-mail: shaymardonov8787@mail.ru
Buyurtma G-1600 nusxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taqob. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyimardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi S.Qulboboyev.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00